УзССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 235 (5526).
13 ОКТЯБРЬ 1984 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Мукофот—зафарга даъват

Давлатга пахта сотиш юзасидан социалистик мусобақанинг октябрь ойи биринчи ўн кунлиги якунлари бўйича **Сирдарё области** Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди. Бу область пахта тайёрлаш планини 37,83 процент бажарди, ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 28,01 процент ўсишини таъминлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов 12 октябрь куни кўчма Қизил байроқни областга топширди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров шу куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини **Тошкент области**га топширди. Область пахта тайёрлаш планини 64,9 процент бажарганлиги, октябрь ойининг биринчи ўн кунлигида пахта тайёрлашнинг 26,94 процент ўсишини таъминлаганлиги учун шу мукофотга сазовор бўлди.

Областларнинг вакиллари байроқларни қабул қилиб, пахтакорлар эришилган натижа билан қаноатланиб қолмайдилар, терим суръатларини янада жадаллаштириш, шу йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун куч ва ғайратларини аямайдилар, деб ваъда бердилар.

(ЎзТАГ).

Willkommen, liebe Freunde!

«Хуш келибсиз, қадрли дўстлар!»



● Тошкент 12 октябрь, 1984 йил. ГДРлик меҳмонларни Тошкент аэропортида кутиб олиш. Т. Каримов фотоси.

ҚАРДОШЛАР САНЪАТИ БАЙРАМИ

Немислар диёрида биринчи ишчи ва деҳқонлар давлати барпо этилганлигининг 35 йиллигига бағишланиб, Москвада Германия Демократик Республикаси маданияти кунлари бошланди. ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари К. Хагер бошчилигида байрамда қатнашаётган ГДРнинг расмий делегацияси Ўзбекистон пойтахтига келди. Делегация составида ГБСП Марказий Комитети маданият бўлимининг мудири У. Рагвиц, ГДР тасвирий санъат академиясининг президенти М. Векверт, «Зонтаг» газетасининг бош редактори Г. Якобус, ГДР Ёзувчилар союзининг президенти Г. Кант, ГДР Рассомлар союзининг президенти В. Зитте бор.

Қардош мамлакат маданияти кунлари программасида ГДР тасвирий санъат кўргазмаларини очиш, немис композиторлари асарларидан тузилган симфоник мусиқа концерти бериш кўзда тутилган.

Меҳмонлар Ўзбекистон ҳаёти билан танишадилар, ижодкор зиёлилари, саноат ва қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари билан учрашадилар, Самарқандда бўладилар.

ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари К. Хагер бошчилигидаги ГДР делегацияси 12 октябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ЁШЛАРНИ КОММУНИЗМ ҚУРИШГА ЎРГАТМОҚДА

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг VII пленумидан

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг кеча бўлиб ўтган VII пленумида КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қароридан, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг партиянинг ёшлар билан ишлаш масалалари бўйича нутқларидан шаҳар партия ташкилоти учун келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилдилар. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. УМАРОВ шу мавзуда доклад қилди.

Докладчи шуни таъкидлаки, партия VI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумини қарорларини бажариш борасида, шаҳар партия комитетлари, коллективларида Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини зарбдор меҳнат билан кутиб олиш ватанпарварлик ҳаракатига қўшилди.

Ҳар йили 10 мингдан зиёд ёш тошкентликлар Ноқоратупроқ, Олтой ўлкаси, Тошкент областининг йирик зарбдор қурилишларида студент-қурилиш отрядлари сафида меҳнат қилмоқдалар. Фақат шаҳар қурилиш майдонларининг ўзидагина студент-қурилиш отрядлари жангчилари беш йиллик бошидан буён 20 миллион сўмликдан зиёд маблағ ўзлаштиришди. Шу давр ичида уларнинг кўмагида 300 га яқин объект фойдаланишга топширилди. Ёш меҳнатчилар фан, транспорт, шаҳар хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришда тобора сезиларлир роль ўйнамоқдалар.

Шу билан бирга докладда ва нотиқларнинг сўзларида таъкидлаб ўтилгандек, ривожланган социализмни такомиллаштириш вазифаларини, икки жаҳон системаси курашининг кучайиши комсомолга партия раҳбарлигини, ёшларни тарбиялашни янада яхшилашни, уларнинг коммунистик қурилишдаги иштирокини активлаштиришни талаб этади. Тошкент экономикаси олдида кўп қиррали ва фидокорлик билан ишлашни талаб этадиган муаммолар турибди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари асосида шаҳар партия комитетининг VI пленуми бу вазифаларни белгилаб берди. Уларни ёшларнинг актив иштирокисиз ҳал этиш мумкин эмас. Чунки ёшлар Тошкент ишчилар синфининг тўртдан бир қисмини ташкил этади.

Бу йил барча тармоқлар корхоналарининг ишини таҳлил этиш шуни кўрсатдики, уларнинг кўпчилигида жиддий нуқсон ва камчиликлар, фойдаланилмаган резервлар бор. Шаҳарнинг ҳар уч корхонасидан бири аввалгидек плантопшириқларини ва маҳсулот етказиб бериш мажбуриятини бажармаяпти. Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, тўқимачилик комбинати, енгил металл конструкциялар заводи, синтетик ювиш воситалари, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси коллективлари бу ва бошқа муҳим кўрсаткичлар бўйича муттасил орқада қолмоқда. «Средазэлектроаппарат», «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаларининг маҳсулот етказиб бериш планини уддалай олмаётгани айниқса ташвиш туғдирмоқда. Улар шу йил бошидан иқтисодий эксперимент шароитида ишламоқдалар. Қолоқликнинг сабаби нимада? Меҳнат интизомини бузиш, прогул, кадрлар қўнимсизлиги оқибатида иш вақтини йўқотишлар ҳамон кўп. Зотан, тарбибий бузувчиларнинг ярмисини ёшлар ташкил этмоқда. Ёш ишчиларнинг малакаси пастлиги, тажрибаси етишмаслиги туфайли бу ерда кўпинча брakка йўл қўйилмоқда. Кўплаб ёш ишчилар ҳар бир иш жойида иқтисод ва тежамкорлик учун курашмаяпти. Бу нуқсонларнинг сабаби нимада? Партия ташкилотлари, комсомол комитетлари ёшларни ўз коллективларининг вазифаларидан хабардор қилмаяптилар, уларга етарлича ёрдам бермаяптилар.

Пленумда таъкидланганидек, комсомоллик, гражданлик бурчи ёшларни капитал қурилиш проблемаларини ҳал этишга актив чорлайди. Масалан, гуруч заводи қурилишида қурилишмонтаж ишлари планлари муттасил бажарилмаяпти. Ҳолбуки, бундан икки йил муқаддам Ҳамза райони уни зарбдор комсомол қурилиши деб эълон қилган эди. Фақат шу йилнинг ўзидагина бу ерда 800 минг сўмдан зиёдроқ ҳажмдаги ишлар бажарилмай қолди. Бироқ, Ҳамза район комсомол комитети (секретари Р. Азизов) бу объектга оталиқ қилишни унутиб қўйди. Худди шундай лоқайд муносабатни кенг ҳажмли блокли уйсозлик заводи, «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси, 2-уйсозлик комбинати объектларига нисбатан ҳам кўриш мумкин. Октябрь, Сергели, Ҳамза, Чилонзор район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари комсомол комитетларига етарлича талабчанлик қилмаганлиги учун ҳам шундай бўлмоқда.

Пленумда сўзга чиққанлар шуни таъкидлашдики, фақат қурилишдагина эмас, балки транспортда ҳам комсомоллар, барча ёшларнинг актив ва конкрет иштироки зарур.

Пленум қатнашчилари мураббийчиликни янада ривожлантириш, комсомол-ёшлар бригадаларининг тажрибаскорлигини ошириш, аниқ мақсадга қаратилган ғоявий-тарбиявий иш олиб бориш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларини ўз диққат-марказида тутдилар. Масалан, кўпгина ташкилотларда комсомол маорифи системасида машғулотлар ҳаётдан узилиб қолмоқда. Баъзи партия комитетлари сиёсий-тарбиявий ишлар самарадорлигини рақам кўрсаткичлари билан баҳоламоқдалар, ёшларнинг ҳақиқий кайфиятларини билишмайди. Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, 1-вагон депоси, «Таштрансспецстрой» трестига шундай нуқсонлар характерлидир. Бу нуқсонларга қатъий барҳам бериш зарур.

Шаҳар физкультура ва спорт комитети (раиси Н. Р. Бойжонов), ДОСААФ шаҳар комитети (раис ўринбосари А. И. Кузнецов)нинг ёшларни она-Ватан ҳимоясига жисмонан ва маънавий жиҳатдан тайёргарлик руҳида тарбиялаш бўйича иш фаолиятининг услуб ва методларини тубдан қайта кўриб чиқиш керак.

Район партия комитетлари, комсомол комитетлари ёшларнинг маданий дам олишини ташкил этишга доимий эътибор беришлари зарур. Бу ишда ҳали кўпгина нуқсонлар бор. Пленум арафасида шаҳар партия комитети ва «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газета редакцияларининг «Думалоқ стол атрофида» ўтказган амалий учрашуви қатнашчилари бу нуқсонлар ҳақида жиддий ва принципиал сўз юритдилар.

Пленумда сўзга чиққанлар тўқимачилик комбинати, «Узбекхлопкомаш» бирлашмаси, трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси, «Главташкентстрой»нинг бир қатор ётоқхоналарида ёш меҳнатчиларнинг ўқиши ва дам олиши учун шарт-шароитларнинг етарли эмаслиги ҳақида жон куйдириб гапирдилар.

Тартиб бузилишларининг ва балоғатга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишни яхшилаш, бундай кўринишларга қарши барча комсомол ташкилотларининг қатъий ва муросасиз кураш олиб бориши юзасидан таъсирчан чоралар кўриш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Студент ва ўқувчиларнинг таълим-тарбиясини янада такомиллаштириш, ёшларнинг бу категориясини ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий жиҳатдан чиниқтириш учун комсомол ташкилотларига талабчанликни ошириш масалалари бугунги кунниг актуал масалаларидан ҳисобланади.

Шаҳар комсомол ташкилоти олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш энг аввало шаҳар, район, корхона ва муассасалар комсомол комитетларининг иш услубини яхшилашга боғлиқдир. Акмал Икромов, Фрунзе, Ҳамза район комсомол комитетлари ҳамон инерция бўйича иш олиб бормоқда, баъзи муассаса ва идораларнинг унчалик яхши бўлмаган иш услубларини кўчириш қоллари ҳам оз эмас. Бу ерда комсомол активининг кучғайрати кўплаб план ва тадбирлар тузишга, штаб ва комиссияларни ташкил этишга сарфланмоқда. Киров, Октябрь, Куйбишев район комсомол комитетлари, шаҳар комсомол комитетининг ўзи ҳам баъзан ҳар хил походлар, кўриклар, рейд ва конкурсларга ортиқча равишда берилиб кетмоқда, улар кўплаб мажлислар ўтказишяпти, кўплаб қарорлар қабул қилмоқдалар ва ёшлар коллективларида кам бўлмоқдалар, уларнинг эҳтиёжлари билан чуқур қизиқмаяптилар.

Докладда ва 1-темир-бетон буюмлари заводи кранчиси Н. П. Туская, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг дурадгори А. Н. Пузик, Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари С. Т. Алиев ва бошқаларнинг сўзларида партия комитетларининг, барча коммунистлар фаолиятининг марказида комсомолнинг иш ва ташвишлари туриши керак. Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашдек катта ва муҳим иш борасида партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари ҳал этиши лозим бўлган кўпгина масалалар турибди. Шаҳар партия ташкилоти комсомолнинг, шаҳар ёшларининг коммунистик бунёдкорликдаги роли ва активлигини янада ошириш, йигит ва қизларни партия ишига, коммунизм ишига чексиз садоқат руҳида тарбиялашни кучайтириш учун, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60. йиллигини, Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини, КПССнинг навбатдаги XXVII съезди шарафига меҳнат ютуқлари билан нишонлаш учун барча чораларни кўради.

Талабчанлик руҳи билан суғорилган қарорда комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва унинг ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги ролини ошириш юзасидан конкрет вазифалар белгиланди, КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарорини изчил ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишлар савиясини муттасил ошириб боришга қатъий аҳд қилингани ўз ифодасини топди.


Шунингдек пленумда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари А. В. Гончарова Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети VI (1982 йил) пленумининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партияга қабул қилиш ва ёш коммунистларни тарбиялаш ишини янада такомиллаштириш юзасидан шаҳар партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги қарори бажарилишининг бориши ҳақида» ахборот берди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг иккинчи секретари **С. М. Нестеренко** қатнашди.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» УЧУН ИНТЕРВЬЮ

ДЎСТЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ЗАМИНИДА

Мухбиримиз саволларига Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитети секретари Курт ХАГЕР жавоб беради:



— Ўртоқ Хагер, Совет Иттифоқида ГДР маданияти кунлари аҳамиятини қандай баҳолайсиз?

— Германия Демократик Республикаси халқи бутун прогрессив инсоният билан биргаликда республика ташкил этилганлигининг 35 йиллигини тантанали нишонлади. Совет Иттифоқида Германия Демократик Республикаси маданияти кунлари ана шу шонли воқеага бағишланган. У халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошликнинг чинакам байрамига айланди. Бугун бу байрам Совет Ўзбекистони ерига ҳам етиб келди.

Қаерда бўлмайлик, бизни совет кишилари самимият ва меҳмондўстлик билан кутиб олмоқдалар. Биз бундан бехад мамнунмиз. ГДР маданияти кунлари мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, маданий ва илмий ҳамкорликнинг равнақида янги ёрқин босқич бўлиб қолади.

— ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгаши Раиси ўртоқ Эрих Хонеккер «Правда» газетасидаги мақоласида Совет Иттифоқи билан дўстлик ГДРнинг 35 йиллик тарихидаги энг катта ютуқлардан бири эканлигини таъкидлади...

— Ҳа, мамлакатимизнинг ҳар бир меҳнаткаши, ҳар бир аҳли буни яхши ҳис этади. Тарихнинг бутун жараёни ҳам буни яққол исботлайди. ГДР босиб ўтган 35 йиллик йўлга назар ташласак, бизнинг олға ҳаракатимиз муваффақияти улуғ Ленин мамлакати билан узвий боғлиқ эканлигига, ГБСП ўз фаолиятида ҳамиша социализм қурилишининг умумий қонуниятларини ҳаётга муваффақият билан тадбиқ этаётган КПСС тажрибасига суянишига ишонч ҳосил қиламиз.

ГБСП билан КПСС ўртасидаги қардошларча иттифоқ, уларнинг бузилмас бирлиги мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик асосини ташкил этади. Бу ерда албатта дўстлик ҳақидаги Шартноманинг аҳамиятини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур. Ана шу Шартнома асосида ГДР ва СССР ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Э. Хонеккер ва К. У. Черненко ўртоқларнинг яқинда бўлиб ўтган учрашуви бу ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига катта, ҳисса бўлиб қўшилди. ГДРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги иштироки тобора фаолроқ бўлмоқда, унинг экономикаси, фани, маданияти тобора тезроқ ривожланмоқда.

— Ўртоқ Хагер, шу ҳақда батафсилроқ гапириб берсангиз.

— Бу ерда бир неча диққатга сазовор рақам ва мисолларни келтириш ўринли бўлса керак. Мана улардан бири. ГДР территорияси ҳажми жиҳатидан жаҳонда юзинчи ўринни эгаллайди. Планета аҳолисида эса унинг ҳиссаси 0,4 процентни ташкил этади. Шунга қарамасдан бизда бугунги кунда жаҳон миллий даромадининг 1,3 процентига ва жаҳон саноат маҳсулотининг деярли икки процентини ишлаб чиқарилмоқда. ГДР ҳақли равишда жаҳондаги 10 та етакчи саноати ривожланган давлатлар қаторига киради. Бир йилда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулоти ҳажми 1949 йил билан қиёслаганда 13 баробардан ортиқроқ кўпайди. Миллий даромад эса ГДРга асос солинган йилга нисбатан деярли тўққиз баробар ортди.

ГБСП X съезди интенсивлаштириш, социалистик тузумнинг афзалликлари билан илмий-техника революцияси тараққиётини узвий бирлаштириш заруратини таъкидлади. ГБСП съезди қарорларига асосланган немис халқи актив суратда ривожланган социалистик жамият қурмоқда. Қабул қилинган планларни амалга ошириш устида катта шижоат билан ишламоқда. Бунда ҳам биз ўзимизнинг буюк қўшнимиз — Совет Иттифоқи тажрибасига суянамиз.

Меҳнат мусобақасини ташкил этиш масалаларида ҳам Совет халқининг тажрибаси бизга жуда кўл келди. Ана шу туфайли юбилей йилининг сентябрь ойи охиригача миллий даромаднинг белгиланган ўсишини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,2 процент оширишга эришилди. Ёки бўлмаса бошқа бир рақам: саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2,74 миллиард маркага ошириб бажарилди.

— ССР ва ГДР ўртасидаги иқтисодий, илмий ва маданий ҳамкорликнинг кўпгина ёрқин мисолларни ҳам бўлса керак...

— Улар шунчалик кўпки, ҳатто кичик бир қисмини ҳам санаш қийин. Энг аввало, шуни таъкидлаш керакки, Совет Иттифоқи тимиз «юлдузлари» эса ўзининг барқарор энергия ва хом ашё таъминоти билан ГДРнинг иқтисодий жиҳатдан янада ривожланишига мустаҳкам замин яратмоқда. СССР бизга дастгоҳлар ва жиҳозлар етказиб бермоқда. Уларсиз машинасозлик, электроника, робот техникаси ва бошқа кўпгина муҳим соҳалар тараққиётини тасаввур қилиш қийин.

ГДР ва СССРнинг космосни тинчлик мақсадларида тадқиқ қилиш борасидаги ҳар томонлама ва самарали ҳамкорлиги бутун дунёга маълум. Германия Демократик Республикаси, унинг халқи космосни милитарлаштиришнинг олдини олишга қаратилган конструктив совет ташаббусларини ёқлаб-қувватлайди.

Биз ўз космонавтларимизни, «яқлик» жиҳозларимизни юлдузларга йўллаймиз, саноатимиз «юлдузлари» эса доимо бир-бирлари ҳузурида меҳмон бўлиб турадилар. Улар Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошликни янада мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Жумладан, ГДРда Ўзбекистондан борган ижодий коллективлар — «Баҳор», «Ялла» ансамбллари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театри гастроллари ёки Ўзбекистон ССР телевидение ва радиоси солисти, ГДРда ҳар йили ўтказиладиган халқаро музика конкурсининг ғолиби Наталья Нурмуҳамедован н н г яқинидагина бўлиб ўтган чиқиши катта муваффақият қозонди.

ГДР маданият кунлари мамлакатларимиз ўртасидаги ана шу маданий алоқаларни ривожлантиришда яна бир йирик, муҳим воқеа бўлади.

АДР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИ

ҚОБУЛ. (ТАСС). Афғонистон пойтахтида мамлакат Министрлар Советининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, АДР Министрлар Советининг Раиси Султонали Кештманд доклад қилди. У иқтисодий ва социал ривожланиш планлари қандай бажарилаётганлиги масалаларига тўхталиб, ўтган йилга нисбатан саноат ишлаб чиқариш ҳажми 18 процент ошганлигини айтди. Қишлоқ хўжалиги муваффақиятли ривожланмоқда. Бугунги кунда, деди С. А. Кештманд, аҳолининг асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжлари асосан мамлакатнинг ўзида етиштирилаётган маҳсулотлар ҳисобига қондирилмоқда. Ҳукумат бошлиги Совет Иттифоқи афғон халқига турли соҳаларда берaётган кенг кўламдаги иқтисодий ёрдамни қайд этиб ўтди. Бироқ деб давом қилди у, АҚШ бошчилигидаги империализм ҳамда Покистон ва Эрон реакцияси АДРга қарши авж олдирган эълон қилинмаган уруш давом эттирилмоқда. Мамлакат саноати ва қишлоқ хўжалиги яна ҳам жадалроқ суръатлар билан ривожлантирилиши мумкин бўлур эди. Халқ тузуми душманлари мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш жараёнини унинг экономикасини издан чиқариш йўли билан тўхтатиб қолишга уринмоқдалар. Шу мақсадда АДР территориясига юборилаётган ёлланган сотқинларнинг шайкалари корхоналарни портлатмоқдалар, террорчилик ҳужумларини амалга оширмоқдалар, ишлаб чиқаришни пароканда қилишга уринмоқдалар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, ССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети янги йил воқеа — Қирғизистон Совет Социалистик Республикаси Қирғизистон Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги билан Қирғизистон ССРнинг партия, совет, касаба уюшма ва комсомол ташкилотларини, барча меҳнаткашларини қизғин табриклайдилар.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети дам олиш кунини 1984 йил 11 ноябрь якшанбадан 9 ноябрь жумага кўчиришга ва 1984 йил 10 ноябрни иш куни деб ҳисоблашга қарор қилди.

Ишчи ва хизматчилар 1984 йил 10 ноябрда фойдаланмай қолган дам олиш куни уларнинг йиллик отпускасига қўшилиб, отпуска кунларига ҳақ тўлаш тартибида ҳақ тўланади.

КАСАБА СОЮЗ ҲАЁТИ:

ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ҲАЛ ЭТИЛМАГАН МУАММОЛАРГА — МУҲИМ ЭЪТИБОР

Шаҳар корхоналари ва муассасалари бошланғич ташкилотларида бўлиб ўтаётган касаба союз ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларида беш йиллик ва унинг тўртинчи йили планлари ва социалистик мажбуриятларини меҳнат коллективлари қандай бажараётганликлари, ҳисобот даврида ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари қанчалик яхшиланганлиги тўғрисида амалий сўз юритилмоқда.

Касаба союз комитетлари қилинган ишлар тўғрисида ҳисобот бериб, касаба союзларининг XVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил), апрель (1984 йил) Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларида қўйилган вазифаларни бажаришга меҳнат коллективларини сафарбар этиш, социалистик мусобақани ташкил этишдаги нуқсонларни ҳолисона таҳлил этмоқдалар.

Кейинги вақтларда Тошкент тўқимачилик комбинати шаънига бир қатор план кўрсаткичларини бажармагани ва энг аввало фонд қайтими пасайиб кетганлиги учун жиддий танқидий фикрлар айтилди. Мавжуд нуқсонларга барҳам бериш учун социалистик мусобақани ташкил этишни тубдан яхшилаш, фабрика ва филиалларда муҳим коллектив яратиш, барча ишлаб чиқариш участкаларида меҳнат ва технологик интизомни мустаҳкамлаш, янги ишлаб чиқариш объектларининг лойиҳа қувватига чиқиб олишига эришиш зарур.

Бу масалаларни ҳал этишда эса касаба союз ташкилотларининг роли жуда катта.

Бироқ касаба союз комитетининг раиси С. Синелиций ва ҳисобот-сайлов конференциясида сўзга чиққан делегатларнинг сўзларида таъкидлаб ўтилганидек, касаба союз комитети ҳисобот даврида коллектив ишини ҳозирги талаблар даражасига кўтариш учун барча тадбирларни амалга оширди, дейиш қийин.

Масалан, муҳим коллектив яратиш масаласини олиб кўрайлик. Шу нарса ҳеч кимга сир эмаски, тўқимачилик комбинатида мутахассислар етишмайди. Уларнинг ўрнини доимо ёш шогирдлар ҳисобига тўлдиришади. Бу ёш шогирдлар кимлар денг? Эндигина мактаб партасидан, ҳунар-техника билим юртидан келган ёшлар. Уларнинг ҳаммаси ҳам оталик ёрдамига муҳтождир. Аммо комбинатда мураббийчилик борасида жиддий нуқсонлар бор. Масалан, 1-йигирув-тўқув фабрикасида 210 кишидан 142 мураббий қолди, холос. Бу ерда мураббийларнинг отаолиқ ташкилотлари билан шартномаларини расмийлаштириш тажриба қилинмаяпти. Уларнинг фаолияти якунлари кўриб чиқилмаяпти. Энг яхши мураббийларнинг иш тажрибалари ёйилмаяпти. Пардозлаш фабрикасида ҳам худди шундай аҳвол ҳукм сурмоқда. Бу ерда 237 нафар мураббий бор эди. Ҳозир 116 мураббий қолган, холос.

Мураббийларни нотўғри танлаш ҳоллари ҳам бор. Собиқ мураббийлардан — йигирувчи Д. Гусамиддинова, ишчи З. Хўжамқулова, бўяш цехининг мастери А. Мусац ишончни оқламадилар. Ҳолбуки, бу коллективда 259 тўқувчи ишлаб чиқариш нормасини бажармайди.

Ҳозирги вақтда комбинат ишлаб чиқариш корхоналарида илғор иш усулларини ўргатиш бўйича 49 та мактаб ташкил этилган. Уларда 577 нафар ёш ишчи шуғулланмоқда. Амалий машғулотлар ўтказишга Л. Казанцева, Ф. Гиннатулина, Н. Сулиз, Ж. Шамшаддинов сингари илғор ишчилар жалб этилган. Уларнинг ғайрати туфайли, шунингдек илғор тажрибаларни алмашиш бўйича мунтазам конференциялар ўтказиб турилаётгани учун қолоқлар сони камаяпти, меҳнат ва технологик интизом мустаҳкамланяпти. Ёш ишчиларнинг касб маҳорати, анъанавий конкурслари ҳам ана шунга хизмат қилмоқда.

Афсуски, барча фабрикаларнинг касаба союз комитетлари ҳам илғор иш усулларини ёйишга етарлича эътибор беряпти, деб бўлмайди. Масалан, 1-фабрикада, механика заводида, 2-филиалда бу масалалар муҳокама этилмади. Бу ташкилотларда илғорларнинг иш тажрибалари таҳлил этилмайди. Илғор тажрибаларни ёйиш самараси билан ҳеч ким қизиқмайди.

Юксак меҳнат унумдорлигига эришаётган участкаларнинг иш тажрибаларидан бўш фойдаланилаяпти. Ҳолбуки, бундай участкалар асосий ишлаб чиқариш корхоналарида ташкил этилган бўлиб, яхши самаралар берган эди.

Комбинатда кадрлар қўнимсизлиги нега жуда юқори? Бу саволга касаба союз комитетининг раиси ҳисобот докладида ва конференция делегатлари ўз сўзларида аниқ жавоб бердилар. Бунинг сабаби шундаки, ёшлар меҳнат шароитини яхшилашга ва техника хавфсизлигига кам эътибор берилгани учун фабрикалардан бўшаб кетмоқдалар. Касаба союз комитети эса бунинг олдини олиш чораларини кўриши керак. Ёшлар ётоқхоналаридаги шароитларни яхшилаш ҳақида гап борди. Мактабгача болалар муассасалари ишини яхшилаш керак. Дам олиш уйлари, санаторийларга етарлича миқдорда йўлланмалар ажратиш ҳақида гапирилди. Комбинатда умумий овқатланиш масаласи алоҳида эътибор беришни тақозо этади.

Касаба союз конференцияси делегаталари комбинат ишидаги нуқсонларни принципиаллик ва ишчанлик руҳида муҳокама қилдилар. Шуниси характерлики, сўзга чиққанлар фақат танқидий фикрлар билдирибгина қолмай, балки ички резервлардан фойдаланиш эвазига бу нуқсонларга барҳам беришга қаратилган конкрет таклифлар киритдилар.

2-фабриканинг тўқув цехи бошлиғи Н. Ускова, ип ишлаб чиқариш корхонаси мудирининг ўринбосари Ж. Есауленко, пардозлаш фабрикасининг мастери Н. Сулид, 3-филиал директори А. Турсунов ва бошқа делегатлар комбинатни реконструкция қилиш ва техника жиҳатидан қайта жиҳозлаш борасидаги муаммолар ҳақида гапиришди. 1-фабриканинг тўқувчиси Т. Собитова комбинатда қолоқ участкаларни илғорлар сафига етказиб олиш бўйича Т. Раганова ташаббусини тиклаш тўғрисида таклиф киритди. Тошкент тўқимачилик комбинатининг аввалги шуҳратини қайта тиклаш йўллари маълум. Лекин бунинг учун раҳбардан тортиб оддий ишчигача ҳар бир киши зўр ғайратшижоат билан, сидқидилдан меҳнат қилиши керак.

Бу йил корхона ўзининг 50 йиллигини нишонлайди. Уни муносиб ютуқлар билан кутиб олиш учун тўқувчилари ўз зиммаларига барча кўрсаткичлар бўйича планни бажариш ва тайёр газлама ва иплар ишлаб чиқариш юзасидан ўз қарзларини узиш мажбуриятини олганлар.

А. ГЕХТЛЯР.

ҚИРҒИЗИСТОН ССР ВА ҚИРҒИЗИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛАР ОИЛАСИДА



«Ватанимнинг тақдири!» Қандай юрак бу сўзлардан тўлқинланмайди, қандай қалб ўз халқини юзага келтирган жонажон диёрига фарзандлик меҳри ва садоқат туйғуси билан тўлиб-тошмайди.

Бизлар гўё яқиндагина Қирғизистоннинг СССР составида давлат бўлиб ташкил топганлигининг ярим асрлик юбилейини умумхалқ миқёсида нишонлаган эдик. Мана энди эса ўлкамизда яшовчи халқларнинг ёркин байрами — республиканинг олтмиш йиллиги ҳам яқинлашиб қолди.

Бизлар тоғда ва водийлардаги тоғ оралиғида яшаймиз...

Чингиз АЙТМАТОВ,
Қирғизистон ССР халқ ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти лауреати.

Олтмиш йил мобайнида тоғдаги дарёлардан кўп сувлар оқиб ўтди. Осмонўпар довонлар ортида кўп кунлар ўтди, турмушда анчагина ўзгаришлар рўй берди, бизларнинг қачондир турма бўлиб қирғиз халқини ташқи дунёсидан асрлар бўйи ажратиб келган саховатли манзилгоҳимиз — тоғлар рўй берган мана шу воқеаларнинг унсиз гувоҳлари эди.

Бугунги кунда бизлар мана шу тоғларга бошқача кўз билан нурга тўлиқ, ўз қадр-қимматимизни англаган ва бахтиёр кўзлар билан назар ташлаймиз. Аждодларимизнинг кўплаб авлодлари мана шу тоғларда бежиз яшашмаган. Мен мана шу нурли чўққиларга боқар экамман, мана шу нарса хаёлимдан ўтади.

Бизлар тоғда ва водийлардаги тоғ оралиғида яшаймиз... Қадимий шеърий ривоятларда тоғли қирғизлар «сувнинг бошида булутлар билан қўшни бўлган» дарёларнинг юқори қисмида яшовчи кишилар сифатида тасвирланган. Балки шунинг учун ҳам биз дарёлар ва шаршараларга алоҳида эҳтирос сезамиз ва уларда табиат гўзаллигини, ҳаракати ва кучини кўриб, унга қойил қоламиз.

Бизлар тоғда ва водийлардаги тоғ оралиғида яшаймиз...

Бизларни катта дунё билан боғловчи йўл жуда узоқ вақтдан кейин бунёд этилди. Шу аср 20-йилларининг иккинчи ярмидагина Қирғизистонга Туркистондан Пишпек шаҳрига — Қирғизистоннинг бўлажак пойтахти Фрунзе шаҳрига пўлат излар етиб келди. Бу йўл ўлканинг саноат жиҳатидан ривожланишида муҳим роль ўйнаган индустриал марказларга олиб борувчи дастлабки ишончли йўл бўлди.

Бизлар тоғда ва водийлардаги тоғ оралиғида яшаймиз...

Қирғизистон алоҳида орол бўлмай, балки советлар халқи улуғ ҳамдўстлигининг ажралмас қисмидир. Унинг бахтли қисмати айни мана шундадир. Бугунги кунда жаҳон миллатлараро муносабатларининг бундан ҳам такомиллашганроқ системасини билмайди. Чинакам интернационализмнинг самарадорлигини тасдиқловчи фактлар ҳам ғоят кўп. Интернационализм — бу энг аввало ғоявий бирлик, Николай Тихонов шоирнинг ички қуёши деб атаган дунёқараш асосида ўзаро ёрдам, биргаликдаги ўзаро ҳаракатдир. Бизларнинг ички қуёшимиз — тарихий тажриба, қардошлик руҳи умумийлиги билан мустаҳкамланган ягона онла туйғусидир.

(ТАСС).








СУРАТЛАРДА: Фрунзедаги «Сайил» ихтисослаштирилган ресторанида нонлар тайёрланади. Олдинги планда — рестораннинг официанткаси А. Аширбекова; Қирғизистон Компартияси Кўчқор район комитетининг биринчи секретари, Қирғизистон Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Корчубек Ақназаров; республика — Ўрта Осиёдаги энг кўп кўмир қазиб чиқарувчи ўлка ҳисобланади. Қорасув кўмир конида кўмир қазиш ишлари яхши ташкил этилган; Қирғизистоннинг табиати ранг-баранг. Чиқан дарёси оқадиган воҳа ўзига хос гўзалликка эга.

ТАСС фотохроникаси.



Дўстлик водийси

Шарқда «дўст байрами — унинг дўстларининг ҳам байрами» дейишади. Шу куз пайтида қирғизистонлик чўпон Рисбой Жапишевни шарафлашга бағишланган тантаналарда у билан баланд тоғли Олой водийсида яшаб, бирга меҳнат қилаётган тантаналарда У. Абдуллаев ва тожик йигити Н. Масадировлар азиз меҳмонлар бўлишди. Помир тоғининг «Осмонўпар дурдонаси» бўлган мана шу водийни ҳақли равишда уч республика яйлови деб атайдилар. Бу ерда Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистон чўпонлари молларни яйловда боқадилар.

Мезбон ўзида йўқ нарсани ҳам ҳар юз шарофидан 183 тадан қўзи олиш мумкинлигини исбот қилди. Бу фақат орзу қилар эдилар. Ҳозир эса Тянь-Шань ёнбағрининг ҳар бир иқлимий минтақаси учун энг кўп даражада мослашган қўй зотлари яратилди.

Илм-фан ютуқларига таянган тажриба — муваффақият негизидир, деб ҳисоблайди Р. Жапишев. У водийда биринчилардан бўлиб ўз отарида қўйларнинг янги олой зотини боқиб кўпайтирди. Бу қўйлардан гилам саноати учун аъло даражадаги жун олинади. Тоғ аҳолиси илгари мана шундай жониворлар тўғрисида республикада рекорд кўрсаткич эди.

Иирик хўжаликлараро комплекслар — тоғли чорвачиликнинг индустриал негизидир. Р. Жапишев меҳнат қилаётган хўжаликда ҳам шундай комплекс бор. Бу ерда барча сермеҳнат ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялаштирилган бўлиб, магазинлари, турли маиший хизмат корхоналари бўлган турар жой шаҳарчаси барпо этилган.

Қачонлардир Олой водийси орқали машҳур ипак йўли ўтар эди. Бу йил баҳорда чет эллик кинематографиячилар ана шу йўл тўғрисидаги фильмни суратга олдилар. Режиссёр билан оператор ҳозирги тоғликларнинг авлодлари яшаган кулбага ўхшаш бирорта уйни топишга зўр бериб уриндилар. Кинопленка эса кўркам уйжой бинолари, мактаблар, савдо комплекслари навбатдаги ҳосилни йиғиштириб олишга шошилаётган пахтакорларга ёрдам кўрсатаётган механизаторлар тўғрисида ҳикоя қилади.

МАЖБУРИЯТГА ЯРАША

«Республикамизнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида зарбдорларча меҳнат қилаётган 127-автокорхона коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини муносиб нишонлаш учун суръатга суръат қўшиб ишлаяпти. Автокорхонанинг барча участкаларида юбилей шарафига меҳнат қилиш ўз самарасини беряпти. Натижада ҳайдовчилар ҳар куни аҳолига зарур бўлган халқ хўжалик юкларидан 11 минг тоннасини манзилга етказиб бермоқдалар.

Автокорхонада йиллик планларни юбилейгача бажариш мажбуриятини олган ҳайдовчилар анчагина. Булар орасида автокорхонада узоқ йиллардан бери ишлаётган, ўз касбининг ҳақиқий шайдолари — бўлган Музаффар Шоҳакимов, Шоисоқ Нишонов, Собиржон Худойназаров, Вали Саломов, Абдуҳаким Пучкаров, Ҳаким Сайдалиев, Данил Балдюк кабилар бор. Мана шундай илғорларнинг ғайрат-шижоати туфайли коллектив 8 йиллик юк ташиш топшириғини 105 процент қилиб адо этди.

С. СУЛТОНОВ.

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЖАҲОН ОЙНАСИ

СУРАТДА: ГФРдаги Фульд шаҳрининг тинчликсевар кучлари Америка ҳарбий базаси ёнида.

К. Маркс Брюсселда

Брюссель, ТАСС мухбири А. Балебанов хабар беради: бельгиялик тарихчилар узоқ муддат олиб борган тадқиқотлар натижасида халқаро пролетариатнинг буюк доҳийси, илмий коммунизм асосчиси, 1-интернационалнинг ташкилотчиси ва доҳийси Карл Маркс Брюсселда бўлган радиосининг хабар беришича, олимлар топган Иксель коммунасининг бир асрдан аввалги солиқ рўйхатларни ва уй дафтарларини беряпти. Натижада 1846 йилдан 1848 йилгача К. Маркс оиласи билан Брюсселда яшаган уйларнинг қаердалигини мутлақ аниқлаб чиқишга имкон берди. Даставвал у Рю Дьорлеан кўчасидаги 42-уйда ижарага турган. Ҳозир бу кўча Рю Жан Дьарден деган ном билан аталади. Маркс кейинчалик Сент-Гюдюль майдонидаги 19-уйга кўчиб ўтган, бу ерда Фридрих Энгельс билан бирга марксизм ва пролетариат партиясининг биринчи программавий ҳужжати — «Коммунистик партия манифести» устида ишланганлиги ҳам аниқланди.



Янги марралар

ПРАГА. ЧССРнинг Ғарбий Чехия районидаги шахталарнинг кончилари кўмир қазиб олиш соҳасида янги, янада юксак марраларни эгалламоқдалар. Шахтёрлар коллективлари чехословак халқи миллий озодлик кураши тугаганлигининг ва Чехословакия Совет Армияси томонидан озод этилганлигининг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага кўшилиб, кун сайин кўмир қазиб олиш суръатларини оширмоқдалар. Кўпгина шахталар пландан ташқари минглаб тонна тошкўмир қазиб олди.

БЕЛГРАД. Сербияда энг катта Белград яқинидаги Смедерево металлургия комбинатида Совет Иттифоқининг техникавий ва молиявий ёрдами билан янги домна печи ҳамда иккинчи навбатдаги бошқа объектларни қуриш бошланди. Совет мутахассислари билан биргаликда ишлаб чиқилган лойиҳани амалга ошириш комбинатда ҳар йили чўян ишлаб чиқаришни 1,6 миллион тоннага, пўлат ишлаб чиқаришни эса 1,2 миллион тонна кўпайтиришга имкон беради. Смедерево комбинатини кенгайтириш, деб таъкидлайди «Политика» газетаси, Югославия саноатини ўз пўлати билан таъминлаш проблемасини ҳал этишга кўп жиҳатдан кўмаклашади.

* * *

БАЙРУТ. Бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида Ливан коммунистик партияси, бошқа сиёсий ташкилотлар кирди. Ливанни Исроил оккупациясидан озод қилиш мамлакат миллий бирдиги ва территориал бутунлигини сақлаб қолиш, кенг халқ оммаси манфаатлари йўлида социал-иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш учун кураш фронтининг асосий вазифаларидандир.

* * *

МАНАГУА. Никарагуа революцион ҳукумати аҳолини озиқ-овқат билан нормал таъминлашни гаратилаш мақсадида фавқулодда чоралар кўрмоқда. Сандиночи халқ революциясига қарши Америка агрессияси натижасида республикада аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш проблемаси кескинлашди. Шоли, ловия, маккажўхори ва бошқа экинлар етиштиришда катта қийинчиликлар жудга келди. Чунки бундай экинлар етиштириладиган асосий зоналарда АҚШ Марказий Разведка Бошқармаси юборган контрреволюцион қўшинлар Никарагуа министри Маренкони айтишича, мамлакатнинг гоҳида ғалла экинлари жойлашган ҳудудларини бомбардимон қилмоқда.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

КОТОНУ. Африка республикаларидан бири — Бенин халқи ўз тахтини чиқариш ишларини бошлаб юборди. Конференция чиларга 15 мамлакатдан 22 минг ҳамюртларидан келган 2 мингга яқин вакил қатнашди. Конференция бўлган 1800 кишилик кутубхонадан фойдаланиш имконига эга бўлди.

● АЖОЙИБ НАСИҲАТЛАР

Ҳикматнома

● Ўттиз икки тиш орасидан чиқиб кетишга муваффақ бўлган сир, ўттиз икки маҳаллага тарқалиши шубҳасиз.
● Чақирилмаган ерга келган одам супурилмаган ерда ўтиради.
● Яхши одамнинг ғийбатчилари кўп бўлади.

Жаҳонда бир қизиқ қонда юрар,
Бол тутган ҳар қўлга ари ниш урар.
Яна хазиналар бўлмас илонсиз,
Гуллар эса бўлмас асло тиконсиз.

● Айбсиз одамни кўрганда ҳасадчининг жаҳли чиқади.
● Бахил одам йўлдош бўлмайди, борди-ю, йўлдош бўлиб қолса, қорни шишиб ўлади.
● Бахил яхшиликни ёмон кўради, ёмонликка эса қарсак уради.
● Бахиллик бир тикон, агар у кимга ботса, ўлдирмай қўймайди.
● Ғам ва ғусса қаришни тезлатади.
● Қўлдан кетган нарсага қайғуриш нодонликдир.
● Ҳушёр шундай одамки, қўлида борини диққат билан сақлайди, бугунги ишни эса эртага қолдирмайди.
● Ҳар қандай оловни сўндириш мумкин, аммо бахиллик оловини сўндириб бўлмайди.
● Сенинг уч дўстинг бор: ўз дўстинг, дўстингнинг дўсти ва душманингнинг душмани.
● Нодоннинг фойдасига гапирсанг жаҳли чиқади.
● Шараф наслу-насаб билан эмас, фазлу адаб билан топилади.
● Шараф ота-онанинг кўрсатган хизмати билан эмас, ҳар бир кишининг ўз фазилати билан топилади.
● Ғаразгўйга салом беру, қоч.
● Салом борки, ундан ширин суҳбат тугилади. Салом борки, ундан бўхтон ёғилади.
● Такаббурга салом берма. Саломга жавоб бериш унга оғир келади, жавоб бермагани эса сенга оғир келади.
● Ожизларнинг қуроли — шикоят.
● Кимки бировнинг пайини қирқса, ўзининки ҳам қирқилади.
● Тухум ўғирлаган одам туя ҳам ўғирлайди.
● Сиринг ҳамон ичингда экан, у сенинг асирингдир, ташқарига чиқса сен унга асир бўласан.
● Бетга боқма, танга боқма, ичидаги жонга боқ.
● Юзинг қора бўлса айб эмас, юрагинг қора бўлмасин.
● Яхшиликни кўп қилган одамнинг пушаймонлиги кам бўлади.
● Ҳар қандай нарсада исрофгарчилик бор, аммо яхшиликда исроф бўлмайди.

М. ҲАСАНОВ тайёрлаган.

● *Ҳикмат—бир ҳовуч олтин*

КИТОБ—ҲАЁТ ОЙНАСИ

Халқ оғзаки ижодининг энг кенг тарқалган турларидан бири мақоллардир. Қуйида ақл ва билим хазинаси — китоб ҳақидаги мақоллар билан таништирамиз.

● Китоб — ақл қайроғи, Ҳар илмнинг чироғи.
● Ҳаёт илми — китобда мужассам.
● Китобни ўқиш бошқа, уқиш бошқа.
● Китоб билим беради, билим бахт келтиради.
● Инсоннинг вафодор дўсти — китоб.
● Кўп юрган — кўп кўрар, Кўп ўқиган — кўп билар.
● Китоб кўп, умр оз, зарурини ўқи.
● Китобнинг ҳар варағи зарга тенг.
● Одам бўлай десанг китоб ўқи.
● Китобга тенг бойлик йўқ.
● Пулинг кўпайса китоб ол, Китоб олдингми, ўқиб қол.
● Кутубхона — зиёхона.
● Китобдан ҳарф излама, ақл изла.
● Доно қўшнинг бўлмаса, китоб билан суҳбат қур.
● Кўп ўқимасанг ҳам, кўп уқи.
● Илм — бойликдан, китоб — олтиндан қиммат.
● Китобсиз уй — қуёшсиз тун.
● Китоб — ҳаёт ойнаси, Ҳар ақлнинг онаси.

Филология фанлари доктори **Малик МУРОДОВ** тайёрлаган.

● САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

БУЮК ҒАЛАБАГА БАҒИШЛАБ





Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб ташкил этиладиган республика кўргазмасига тошкентлик график ва ҳайкалтарошлар, рангтасвир усталари ҳам катта тайёргарлик кўрмоқда. Кўргазмадан фронтчи рассомларнинг асарлари ҳам муҳим ўрин олади. Уларнинг аксарият картиналарида жангчи меҳнаткаш кишилар образи гавдалантирилган.

Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳикмат Раҳмонов уруш йиллари ротага командирлик қилган эди. У урушдан кейинги йилларда меҳнат фаолиятини давом эттирди, ўқитувчилик қилди. Унинг «Ўзбекистон паҳлавони», «Тушлик тайёр», «Сен етим эмассан», «Ўзбекистон делегацияси жангчилар ҳузурида» каби картиналари томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинган. Рассомнинг турли жанрдаги кўпгина асарлари она заминга, унинг меҳнаткаш кишиларига ёрқин муҳаббат билан суғорилган.

О. АПУХТИН.

СУРАТЛАРДА: Ҳикмат Раҳмоновнинг «Сен етим эмассан», «Ўзбекистон делегацияси жангчилар ҳузурида» картиналари.

Автор фотолари.

ШАНБА ОҚШОМИ

ФАН ТАРИХИГА САЁҲАТ

АЛЛОМАЛАРНИНГ БУЮК КАШФИЁТЛАРИ

Ҳурматли редакция! Ўтмишнинг улуғ олимлари ва уларнинг кашфиётлари ҳақида мақолалар беришингизни илтимос қиламиз.

Барно Расулова, Адиба Алиева,
Тошкент политехника институти студентлари.

Ал-Коший ва Ньютон биноми

Ўтмишнинг буюк олимларидан бири Исаак Ньютон физика соҳасида бутун дунё тортилиш қонуни ва математика соҳасидаги қатор масалалар, шу жумладан, «Ньютон биноми» билан маълум ва машҳурдир.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик Қори-Ниёзий 1968 йил «Правда Востока» газетасида эълон қилган «Таълим-тарбия ва ўқитувчи» сарлавҳали мақоласида қуйидагилар ҳақида тўхталган эди:

«Ҳозир ҳар қандай ўрта маълумотли киши Ньютон биноми нима эканлигини яхши билади. У энг мукаммал формулалардан бири. Самарқандлик олим Ғиёсиддин Жамшид асарларида ҳам бу формула ишлатилганлиги аниқланди. Ўзбек олими инглиз математиги Ньютондан 300 йил муқаддам яшаган. Жамшид асарларидан бирида натурал ҳар қандай кўрсаткич учун бином ёйилмасининг қонуни берилган. Бундай мисоллар жуда кўп...»

Шундай қилиб, Ғиёсиддин Жамшид Ал-Коший биномни Ньютондан, ўнли касрни Стевиндан, тўртинчи даражали тенгламаларни Ферраридан, натурал қаторнинг тўртинчи даражаси йиғиндисини Фермадан олдин билган. Уни Ўрта Осиёнинг Архимеди деб ҳисоблаш, у билан фахрланиш мумкин.

Улуғбек мадрасаси

Улуғбек даврида Самарқанд катта илм ўчоғига айланди. Улуғбек илм-фан аҳлларини ва уларнинг меҳнатларини ғоят қадрлар эди. Буни Улуғбек ҳаётидан олинган қуйидаги эпизоддан ҳам билиш мумкин.

Самарқандниинг марказий майдони — Регистонда мадрасанинг очилиш кунига олимлар, талабалар, фахрий меҳмонлар ва шайхлар тўпланган эдилар. Мадрасани Улуғбекнинг ўзи очиб, йиғилганларга:

— Бу мадрасанинг мударриси, яъни бош ўқитувчиси ҳамма фанларни биладурғон шахс бўлиши керак,— деди.

Бундай одам топилди ҳам. У кийимлари увада бир четда турган ғарибгина киши — Муҳаммад Ҳавофий эди. Унга йиғинда ҳозир бўлган донишмандлар, шайхлар математикадан, астрономиядан, географиядан, шифокорликдан ва шариатдан кўп саволлар бердилар. У бу саволларга тўла ва аниқ жавоб қилди. Улуғбек ҳурсандчилик билан Ҳавофийни мадрасага биринчи мударрис этиб тайинлади.

Улуғбек мадрасасида ўз даврининг йирик илм аҳлларидан буюк математик ва астроном, «Афлотуни замон» деб шуҳрат топган Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Биржондий, Али Қушчи ва бошқалар талабаларга дарс бердилар. Шунингдек, Улуғбекнинг ўзи ҳам мадрасада астрономияга оид қизиқарли суҳбатлар ўтказиб турган. Улуғбек яратган илмий тадқиқот ишларининг энг йириги унинг юлдуз ва сайёралар ҳаракатига бағишланган астрономик жадвал бўлиб, бу «Зичи Кўрагоний» ёки «Зичи Улуғбек» номи билан машҳурдир. Бу асар Тошкентда Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

«Зичи Кўрагоний»

«Зичи Кўрагоний»да одатдаги математик формулалар ҳам, тенгламалар ҳам, юлдузларнинг номи ҳам йўқ. Ҳатто унда бирорта рақамни ҳам учратмайсиз, рақамлар ўша пайтларда ҳарфлар билан ифодаланган.

